



2019 йил у.г «20» март № 1024-15 **Qo'shrahbot t, - p Кушрабад**

Вилоят ҳокимининг 2019 йил 19 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги “Худудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4231-сонли қарори ижросини таъминлаш тўғрисида”ги 85-Қ-сонли қарори тўғрисида

Вилоят ҳокимининг 2019 йил 19 мартдаги 85-Қ-сонли “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги “Худудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4231-сонли қарори ижросини таъминлаш тўғрисида”ги ПҚ-4231-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 25-моддаларига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Вилоят ҳокимининг 2019 йил 19 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги “Худудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4231-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳақида”ги 85-Қ-сонли қарори ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳамда Самарқанд вилояти ҳокимининг мазкур қарорлари билан:

аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни янада ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар ижросини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Марказий банки, тижорат банклари ва тегишли идоралар раҳбарларидан ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарларидан иборат Республика комиссияси ташкил этилганлиги;

“Ҳар бир оила - тадбиркор” дастури доирасида (кейинги ўринларда-Дастур):

назарда тутилган лойиҳалар ва тадбирларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳамда халқаро молия институтлари кредит линиялари маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши;

имтиёзли кредитлар оилавий тадбиркорлик, даромад топишга қаратилган муайян меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ва фаолият турини кенгайтириш истагини билдирган аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектларига йиллик 8 фоиз ставкада 3-6 ойгача бўлган имтиёзли давр билан 3 йилдан кўп бўлмаган муддатга ажратилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қуйидагилар:

туманда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни янада ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар ижросини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бўйича туман ҳокимлиги ҳузурида “Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш маркази” (кейинги ўринларда – Марказ) ташкил этилсин ва унинг таркиби 1-иловага мувофиқ;

4. Туман ҳокимлиги томонидан тасдиқланган ишчи гуруҳи таркиби аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни янада ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар ижросини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бўйича ҳудудларида “Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш марказлари” ташкил этилишини таъминласинлар.

5. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси туман бўлими (Ш.Шамсиев), Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи туман кенгаши (А.Маматов)га, туман марказлари билан биргаликда:

тадбиркорлик соҳасида муайян тажриба ва ютуқларга эришган тадбиркорни уларнинг соҳа ва имкониятларини ўрганган ҳолда тажриба орттириш, кўникма шакллантириш мақсадида “Устоз-шогирд” анъанаси асосида маслаҳатларни бериш бўйича имтиёзли кредитлар олаётган ташаббускор, айниқса ёш тадбиркорларга бириктириш;

аҳолининг, айниқса ёшларнинг бизнес ғоя ва стартапларини амалиётга тадбиқ этишга ҳар томонлама кўмаклашиш мақсадида илғор хорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда “бизнес инкубаторлар”ни ташкил этиш чораларини кўриш тавсия этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарори билан қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги “Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5242-сон, 2018 йил 27 июндаги “Yoshlar- Kelajagimiz” Давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5466-сон Фармонлари, 2018 йил 26 апрелдаги “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорка ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3680-сон, 2018 йил 7 июндаги “Ҳар бир оила - тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги ПҚ-3777-сон ва 2018 йил 14 июлдаги “Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3856-сон қарорлари асосида имтиёзли кредитлар:

Туманда “Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш маркази” томонидан оилаларнинг хоҳиш ва истаклари, тадбиркорлик субъектлари ва

хакикий эҳтиёждан ҳамда шакллантирилган лойиҳаларнинг истиқболли ва қўшимча иш ўринлари ажратишга йўналтирилганлигидан келиб чиққан ҳолда ажратилаётган ресурсларни тижорат банклари ҳамда маҳаллалар кесимида тезкор қайта тақсимлаш бўйича таклифларни Дастур координаторлари (Самарканд вилоят ҳокимлиги)га киритиб бориш тавсия этилсин.

9. Тумандаги сектор раҳбарлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органилари раислари ўзлари раҳбарлик қилаётган ҳудудларга ажратилган имтиёзли кредитларнинг мақсадли ишлатилиши таъминланишида ва кредитларнинг белгиланган муддатда қайтарилишида тижорат банкларига ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатсин.

10. Туман тижорат банклари ва туман бўлимлари ва лойиҳада иштирок этаётган хонадонларга ташриф буюрган ҳолда имтиёзли кредитлардан фойдаланиш самараси, натижадорлиги ва белгиланган муддатларда қайтарилишини мунтазам равишда назорат қилиб бориш тавсия этилсин.

11. Туман тижорат банклари раҳбарлари, "Истикбол сари" газетаси (Х.Мамарасулов) Самарканд вилояти ҳокимининг 2019 йил 19 мартдаги 85-Қ-сонли қарори ҳамда "Ҳудудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4231-сонли қарори дастури доирасида амалга оширилаётган ишлар ҳамда дастурнинг қулайликлари хақида газетада мақолалар чоп этиш тавсия этилсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилишни туман ҳокимининг ўринбосарлари (И.Сайфиддинов, С.Тошназаров, Б.Мусулманов, М.Шамсиева) зиммаларига юклатилсин.

Туман ҳокими



Ҳ.Оқбўтаев